

**НЕФТ-ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М.ГУБКИН НОМИДАГИ РОССИЯ
ДАВЛАТ НЕФТ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.GM/Т.41.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ

РУСТАМОВ АКМАЛ АСРОРОВИЧ

**НАМУНАЛАШНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИ ВА АНИҚЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ОЛТИН МАЪДАНЛИ КОНЛАРИ МИСОЛИДА**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рустамов Акмал Асрорович

Намуналашнинг ишончилиги ва аниқлиги Ўзбекистон олтин
маъданли конлари мисолида 3

Рустамов Акмал Асрорович

Представительность и достоверность опробования на примере
золоторудных месторождений Узбекистана 23

Rustamov Akmal Asrorovich

Representativity and reliability of testing on the example of gold-ore
deposits of Uzbekistan (abstract) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 46

**НЕФТ-ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М.ГУБКИН НОМИДАГИ РОССИЯ
ДАВЛАТ НЕФТ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.GM/Т.41.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ

РУСТАМОВ АКМАЛ АСРОРОВИЧ

**НАМУНАЛАШНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИ ВА АНИҚЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ОЛТИН МАЪДАНЛИ КОНЛАРИ МИСОЛИДА**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Минерал ресурслар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ing.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар : **Зималина Валентина Яковлевна**
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Конеев Рустам Исмаилович**
геология-минералогия фанлари доктори

Антонов Александр Евгеньевич
геология-минералогия фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **"Х.Абдуллаев номидаги Геология ва Геофизика институти"**
Давлат корхонаси

Диссертация ҳимояси Нефт-газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти, Ўзбекистон нефт-саноати илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институти, Тошкент давлат техника университети ва И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университети филиали ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.GM/T.41.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Шота Руставели кўчаси-114-уй. Тел./факс: (998971) 253–92–15; e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация билан Нефт-газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан руйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент, Шота Руставели кўчаси-114-уй. Тел./факс: (998971) 253–92–15; e-mail: igirnigm@ing.uz

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ю.И. Иргашев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д., профессор

М.Г. Юлдашева

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, г-м.ф.н.

Х.А. Акбаров

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.-м.ф.д., академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё амалиётида янги қимматбаҳо металл конларини излаш ва қидириш самарадорлигини, ҳамда улар захираларини баҳолашнинг ишончилигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Геологик намуналар барча геологик -қидириш жараёнларининг энг асосий босқичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Олтин маъданли конларини қидириб-чамалашда намуналарга ишлов бериш жараёнида майдаланишга таъсир қилувчи олтинни маъданда нотекис тақсимланиши, унинг паст миқдорли эканлиги, заррачалар ўлчамларининг турлича эканлиги, олтинни юқори тобланганлигига кўра бу босқич янада кўпроқ муҳим ўрин тутди.

Ҳозирги пайтда, дунёда намуналарнинг назарий асосларини, уларни турларини, намуналар олиш услуби ва параметраларини танлашнинг белгилловчи омилларини аниқлашга бағишланган илмий-тадқиқот ишлари ўтказилмоқда. Шунингдек, тоғ-кон иншоотлари ва бурғилаш қудуқларидан геологик намуналарни олиш услубларини такомиллаштиришга, намуна олишнинг самарали йўллари танлашнинг услубий йўсинларига, геологик намуналарнинг оптимал параметрларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, намуналарнинг ҳар хил турларига талаблар ишлаб чиқилмоқда, намуна олишнинг замонавий техника воситалари такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистонда минерал-хомашё базасини кенгайтиришда маълум бир ютуқларга эришилмоқда. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида олтин маъдан конларда намуналарнинг аниқчилигига баҳо берилди ва ўрганилаётган объектларнинг ҳисобланган захираларининг ишончилигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «...алоҳида регионларнинг табиий ва минерал-хомашё ресурсларидан мажмуавий ва самарали фойдаланишни таъминлаш...»¹ устивор вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, Ўзбекистондаги олтин конларида намуналарнинг ишончилиги ва аниқчилигини таъминлашга йўналтирилган илмий- тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитасининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши натижалари муаян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида»ги Фармони

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мувофиқ келиши. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияни ривожланишининг VIII - «Ер тўғрисидаги фанлар: (геология, геофизика, сейсмология ва миерал-хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Намуналанининг назарий пойдеворини асосчиларидан бири сифатида, асарлари деярли барча турдаги фойдали қазилмаларни излаш, қидириб-чамалаш ва фойдаланишда намуналани масалаларини ўз таркибига киритган, профессор М.Н. Альбовни эътироф этиш мумкин.

Намуналанининг назарий пойдеворини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар ЦНИГРИ (филиали Тула шахрида), КазИМС (Олма-ота шахри), Иркутск политехника ва бошқа МДХ давлатларининг шахарларида ўтказилди.

Кўп йиллар мобайнида намуналани масалаларига ўзларини бағишлаган олимларнинг рўйхати етарлича катта: (К.Л. Пожарицкий, 1947, Н.В. Баришев, 1948, П.Л. Каллистов, 1956, В.И. Смирнов, 1960, В.В. Богацкий, 1962, В.И. Бирюков, 1969 ва б.).

Ўзбекистонда намуналанининг ишончилиги ва аниқчилигини ўрганиш бўйича 1957 йилдан 2014 йилгача ўз хиссасини қўшган тадқиқотчиларнинг рўйхати ҳам жуда узун (В.А. Королев, А.К. Поляков, А.Н. Балашов, Х.А. Акбаров, С.А. Денисов, Ю.П. Руденко, В.Я. Зималина, Д.А. Калинин, А.Н. Володин, Ш.Юсупов, Т.Д. Архипкина, Г.С. Тилляева, Н.И. Нехода, Г.Я. Харабара, Ф.Х.Агишева, М.К. Карабаев, Л.А. Хмелевская, Д.А. Краснов, Е.П. Мещеряков, Э.М. Зак, М.У. Исоков, Д.И. Валиев ва б.).

Умумлаштириш ва ушбу соҳада ўтказилган тадқиқотларнинг тажрибаси асосида 2009 йилда, Ўзбекистон Республикаси ДЗҚга захираларни ҳисоблаш билан чиқишда мажбурий, ажралмас қисм бўлган, “Маъданли конларда намуналанининг ишончилиги ва аниқчилиги бўйича услубий тавсиялар” ишлаб чиқилди (В.Я. Зималина, М.У. Исоков).

Намуналарни олиш, уларга ишлов бериш ва таҳлил этиш усулларини такомиллаштириш соҳаси бўйича эришилган натижалар керн чиқиши паст бўлган қудуқларнинг намуналарни ишончилиги ва аниқчилигини ошириш бўйича тадқиқотлар ўтказишни истисно этмайди. Эксплуатацияга хос қидириб-чамалашларни олиб боришда намуналарни ишончилигини ошириш ҳам долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Экспериментал тадқиқотларда натижалари бўйича олинган янги маълумотлар геологик-қидирув ишлари натижаларининг ишончилиги ва аниқчилигига миқдорий баҳо беради, шунингдек намуналарни тайёрлаш схемасининг таҳлил натижаларини ишончиликлорга таъсири даражасини аниқлашга имкон беради.

Диссертация бажарилган ташкилотдаги илмий тадқиқот ишлари билан диссертация мавзусининг боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Минерал ресурслар институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонни олтин қазиб олинаётган конлари мисолида геологик маълумотларнинг ишончилиги» (2011-2015 йй.), «Широтное олтин

маъданли кондаги тоғ-бурғилаш иншоотларини намуналанинг ишончилиги ва аниқчилигини баҳолаш (2010-2011 йй), «Пистали конидаги тоғ иншоотлари ва бурғилаш қудуқларидан намуна олишда қўлланиладиган намуналани турларини аниқчилигини ва уларнинг натижаларини ишончилигини баҳолаш» (2009-2011 йй.), «Олтин захираларини оптимал баҳолаш мақсадида Ўрталик (Промежуточное) конининг минераллашган ва томирли зоналарини жойлашиш қонуниятлари ва ётиш шароитларини ўрганиш» (2008-2011 йй.) илмий-амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади захираларни ҳисоблашнинг аниқчилигини ошириш учун олтин маъданли конларда намуналани ишончилиги ва аниқчилигини миқдорий баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

намуналанинг ишончилигини аниқловчи белгилар бўйича тадқиқ этилаётган конларни тизимлаштириш;

тадқиқ этилаётган конларда материалларни чиқишининг (керни) камайиши билан боғлиқ ҳолда, олтиннинг ўрта таркибининг ўзгариш тавсифларини аниқлаш;

эксплуатация қилинаётган конлардаги бурғилаш-портлатиш қудуқларида намуналани натижаларини баҳолаш;

йирик олтин бўлган олтин таркибли маъданларга ишлов беришда намуналарни тайёрлаш схемасининг таҳлил натижаларини ишончиликга таъсири даражасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистоннинг Пистали, Широтное, Қизилолма, Гужумсой, Кўкпатос, Омонтойтов, Мурунгов ва Мутенбой олтин маъданли конлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ўрганилган конларнинг намуналани услубияти ва ва ўртача олтин таркибининг объективлигига таъсир қилувчи омиллар.

Тадқиқотнинг усуллари. Жўякли ва керн намуналарни олиш жойини геологик ҳужжатлаштириш, оддий ва назорат намуналани натижаларини таққослаш, керни танловли емирилишини баҳолаш учун намуналар олиш ва ишлов бериш. Олинган натижаларга ишлов беришнинг статистик усуллари. Йирик олтин бўлган конларда намуналарга ишлов бериш услубияти.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

намуналанинг ишончилиги ва аниқчилигининг белгилари бўйича кўриб чиқиладиган олтин маъданли конлар тизимлаштирилган;

материални (керни) чиқишининг камайишига боғлиқ ҳолда, олтин миқдорини ўзгариш хусусиятлари аниқланган;

олтин маъданли конларни эксплуатация қилишда, қазиб олинган блоклардаги ҳисобланадиган захираларни аниқликларини оширувчи бурғилаш-портлатиш қудуқларидан намуналар олиш услуби ишлаб чиқилган;

металлни дастлабки ажратиш олиш схемаси бўйича катта заррачали олтин намуналарига ишлов бериш усулининг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

намуналарни олиш, ишлов бериш ва таҳлил этишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

кернни паст чиқишида устунли қудуқларни намуналаш натижаларига тузатиш коэффициент ҳисоблаб чиқилган;

бурғилаш-портлатиш қудуқларини намуналашларнинг аниқлиги ва унинг натижаларини ишончилигига миқдорий баҳо берилган;

эксплуатацион қидириб-чамалашда намуналаш натижаларининг самарадорлиги ва аниқлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тоғ иншоотларини ва бурғилаш қудуқларини, қазиб олинаётган конларнинг фойдаланилаётган блокларида олиб борилган геологик тадқиқотлар, намуна олиш жойининг геологик ҳужжатлаштиришларни далилий материаллари, намуна олишга, ишлов беришга ва намунани таҳлил этишга қўйилган талабларга тўлиқ риоя қилган ҳолда жўякли (1000 дан ортиқ), задиркали (100 дан ортиқ), гуруҳли (30 дн ортиқ), кернга хос (200) ва шлам (1250) намуналар олиш билан, барча оинган намуналарни пробир таҳлиллари ва таҳлилий маълумотларни назоратлаш учун стандарт намуналарнинг натижалари билан, ҳамда намуналаш маълумотларига ишлов беришнинг замонавий компьютер усулларида фойдаланган ҳолда, олинган материалларга ишлов бериш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти намуналашнинг ишончилиги ва аниқлигини миқдорий тавсифланди, паст чиқишлардаги кернни намуналаш натижаларига тузатиш коэффициенти (оширувчи, пасайтирувчи) киритиш имкониятлари асослаб берилди, йирик олтин мавжуд бўлган конларда намунага ишлов бериш усулининг таъсири тавсифлаб берилди, қидириб-чамалаш маълумотларининг эксплуатация қилишда, олинган аниқликга намуна олиш усулининг таъсири асослаб берилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижаларидан тадқиқ этилаётган конларнинг захираларини ҳисоблашда фойдаланилади (Пистали, Широтное, Қизилолма, Мурунтов, Мутенбой). Намуналарни олиш ва ишлов бериш усуллари шу каби бошқа олтин конларида геология қидирув ишларини олиб боришда қўлланилиши.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг олтин маъданли конларини намуналашнинг ишончилиги ва аниқлиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Пистали ва Широтное олтин маъданли конларининг геологик қидирув параметрларининг фазовий ўзгарувчанлиги «Самарқандгеология» ДУК ва «Хисоргеология» ДУК объектларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2018 йил 13 ноябрдаги 04-4363-сон маълумотномаси). Натижада конларнинг мураккаблик гуруҳи, қидирув ишларининг захираларини ҳисоблашда маъданларнинг ўзгарувчанлик параметрларини ҳисобга олиш имконини берган;

намуналарни олиш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш усуллари такомиллаштириш бўйича тавсиялар «Самарқандгеология» ДУК, «Хисоргеология» ДУК объектларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2018 йил 13 ноябрдаги 04-

4363-сон маълумотномаси). Натижада Пистали, Широтное конларида ҳисобланадиган захираларнинг ишончлилигини ошириш имконини берган;

кернинг танловли емирилишининг колонкали намуналарда аниқлигига таъсири тузатувчи коэффициентлари «Самарқандгеология» ДУК ва «Хисоргеология» ДУК объектларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2018 йил 13 ноябрдаги 04-4363-сон маълумотномаси). Натижада паст чиққан кернинг намуналарини интерваллари захираларни ҳисоблаш имконини берган;

Пистали конининг йирик олтинли намуналарни металлни дастлабки ажратиш олиш схемаси «Самарқандгеология» ДУК объектларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2018 йил 13 ноябрдаги 04-4363-сон маълумотномаси). Натижада Пистали конининг захираларини ҳисоблашда йирик олтиннинг таъсирини ҳисобга олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг алоҳида қисимлари ва натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг элон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган. Улардан 1 та монография, 5 та тезис ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган журналларда нашр этилган 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузулиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва талабгирлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилди, объектлари ва предмети тавсифланади, республиканинг фан ва технологиясининг тараққийсини устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён этилади, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятларини геологик ишларнинг амалиётига тадбиқ этиш очиб берилади, нашр этилган мақолалар ва диссертация структураси бўйича маълумотлар келтирилади.

Диссертациянинг **биринчи "Муаммонинг ўрганилганлигини қисқача шарҳи"** деб номланган боби олтин маъданли конларда намуналарини усулларининг тадқиқ этишларни кўриб чиқишга бағишланган.

МХД давлатлари ва Россияда намуналарининг назарий негизларини асосчиларидан бири бўлиб профессор М.Н. Альбовни (Свердлов тоғ институти, Россия) кўрсатиш мумкин. Унинг "Фойдали қазилма конларини намуналарини" асари 5 мартаба қайта нашр қилинган (1943, 1952, 1961, 1965 ва 1975 йй.). Унда геолог-қидирувчилар учун амалий қўлланма ва ўқув муасасаларини талабалари учун ўқув қўлланмаси кўринишида намуналарини масалалари баён этилган. Охириги нашр излаш, қидириб-чамалаш ва қазиб олишда фойдали қазилмалар барча

турларини намуналаш бўйича масалаларини ўз ичига олади. Намуналаш бўйича тақиқотлар ЦНИГРИда (филиаллари Тула шахрида), КазИМСда (Олма-ота ш.), Иркутск кполитехника институтида, Тошкент шахрида (САИГИМС, ҳозирда МРИ) ҳамда Россия ва МДХ давлатларида ўтказилди. Кўп йиллар мобайнида намуналаш масалаларига ўзларини бағишлаган олимларнинг рўйхати етарлича катта: (К.Л. Пожарицкий, 1947, Н.В. Баришев, 1948, П.Л. Каллистов, 1956, В.И. Смирнов, 1960, В.В. Богацкий, 1962, В.И. Бирюков, 1969, С.А. Денисов ва б.).

Ушбу йўналишнинг муҳимлиги инобатга олган ҳолда, Ўрат Осиё геология ва минерал хомашё илмий тадқиқот институти (САИГИМС ҳозирда МРИ) ўзини асос солинишидан бошлабоқ, намуналашган катта диққат-эътибор қаратди. Тадқиқотлар геология-минералогия фанлари доктори, профессор П.А. Шехтман бошчилигидаги геология-қидириш ишлари услубияти бўлимида (ГҚИ қидириш усулари сектори: С.А. Денисов, В.Я. Зималина, Ю.П. Руденко, Д.А. Калининцев, Л.А. Хмелевская, М.К. Карабаев ва б.), маъдан геологияси ва геофизикаси секторида (А.К. Поляков, А.Н. Балашов, Ю.П. Руденко, Я.Н. Земан) олиб борилди.

Юқорида санаб ўтилган барча тадқиқотчилар “Намуналашнинг ишончлилиги ва аниқлилиги” йўналиши бўйича ўзларини хиссаларини қўшдилар.

Диссертациянинг **иккинчи "Намуналаш ишончлилигини аниқловчи белгилар бўйича тадқиқ этилаётган конларни тизимлаштириш"** деб номланган бобда конларни намуналаш усулидаги принципиал фарқларни аниқловчи омиллар: морфологияси, ётиш шароитлари ва маъдан таналарини ички тузилишлари, маъданлашувнинг ўзгарувчанлик даражаси ҳамда тегишли морфологик турдаги маъдан таналари билан тақдим этилган коннинг аниқ геологик чегаралари маъдан таналарида мавжуд ёки йўқлиги келтирилади.

Маъдан таналарини морфологик турларига ва уларни ётиш шароитларига, уларда олтинни тарқалиши анизотропиясига намуналанинг кенгликларда тутган ўрни, йўналиши ва намуна секциясини узунлиги боғлиқ.

Текстуравий-структуравий хусусиятлари, маъданларнинг махсулий таркиблари (маъдан таналарини ички тузилиши), маъданлашувнинг тарқалиш тавсифлари ва ўзгарувчанлик даражаси бўйича намуна олиш усулини, намуналар секциясини узунлигини, улар орасидаги масофани ҳамда намуна кўндаланг кесимини танлаш лозим.

Муаллиф томонидан, олтин конларини намуналаш аниқлигини белгиловчи геологик хусусиятлари ўрганилди, намуналаш аниқлигига таъсир кўрсатувчи белгилар ўрнатилди.

Ўрганилаётган олтин маъданли конлар учта геологик-саноат турларига киритилган: олтин-кварцли (Пистали, Широное, Гужумсой, Мутенбой), олтин-сульфидли-кварцли (Қихилолмасой) ва олтин-сульфидли (Омонтойтов, Қоқпатос).

Диссертациянинг **учинчи "Тадқиқ этилаётган конларда материални (керни) чиқишининг камайиши билан боғлиқ ҳолда, солтинни ўрта таркибларини ўзгариши тавсифларини аниқлаш"** номли бобда Қизилолма,

Пистали ва Широтное олтин маъданли конларда бажарлган эксперементал тадқиқотларнинг натижалари келтирилади.

Қизилолма конидаги эксперементал тадқиқотларнинг натижалари
Эксперементлар натижалари кўрсатишича, Қизилолмасой конининг (Марказий участкаси) намуналарида фойдали қазилмаларнинг танланма йўқотишларни жадалликлари заиф намоеън бўлади. Бу шу билан тушунтириладики, фойдали қазилма (олтин) намунанинг қаттик қисмида шаклланади (асосан кварцда). Намунанинг оғирлигини қисқаришида (ювилшга ўхшаш ёки керни едирилиши) биринчи навбатда бурғилаш эритмасининг таъсири остида керндан фойдали компонентнинг озгина чиқариб ташлаш билан, анча юмшоқ ташкил этувчилар ювилади. Намунани қолган қисми бунда бойийди.

Материални чиқарилишининг камайиши бўйича, ўртача таркибларини катталашини билан ажралиб турувчи намуналарнинг умумий миқдори 75 %ни (36 дан 27 та намуна) ташкил қилади.

Қизилолма кони учун (Марказий участкаси) танланма йўқотишларнинг жадалликларини 2 та қонуниятлари ўрнатилган танланма йўқотишларнинг паст жадалликлари (материалларнинг чиқишини камайишлари билан олтин таркиби катталашини) ва мўътадил (материалларни чиқишининг камайиши билан олтин таркибини камайиши).

Қизилолма конида ўтказилган экспериментлар билан қуйидагилар ўрнатилди:


материалларнинг чиқишини камайишлари (керни) билан олтиннинг ўртача таркибини катталашини 36 та намунадан 27 тасида кузатилади. Намналаш интерваллари устунсимон ва линзасимон кварц таналари билан тақдим этилади. Керн чиқишининг 90% пасайишлари олтинни ўртача таркибларини 5-8% катталашинга олиб келиши мумкин, керни 80% чиқишида олтинни ўртача таркиби 12-15 %га ўсиши, 70% керн чиқишида таркиби 16-20%, керн чиқиши 60% бўлганда таркиби 20%дан ортиққа ошиши мумкин (Расм. 1).

глинали сланецларнинг блоксенитлари ва беризитлар билан тақдим этилган намуналаш интервалларида материалларни (керни) чиқишининг камайиши билан олтиннинг ўртача таркибини камайишлари кузатилади. Материалларнинг чиқиши 90, 80, 70 ва 60% га камайишлари, ўртача таркибларни ўзига хос равишда 4, 8, 13 ва 19% камайишлари олиб келади.

Пистали конида экспериментал тадқиқотлар натижалари. Пистали конида экспериментлар ўтказишда, захиралашга кирувчи асосий маъдан уюмлари билан кесишадиган тоғ иншоотларидан 10х5 си кесимда 76 та жўякли намуналар олинди.

Пистали конида ўтказилган экспериментал тадқиқотлар билан, намуна оғирлигини пасайишларида олтин таркибининг ўзгариши қонуниятлари ўрнатилди (54 та намуна учун):

Бир қатор ҳолларда (54 тадан 9 намуна) намуна оғирлиги пасайиши билан олтинни ўртача таркибларини катталашини кузатилади. Намуналарнинг интерваллари асосан, кварц таналари билан тақдим этилган. Материалани



Расм. 1. Қизилолма кони материали (керна)нинг чиқиши камайиши билан олтин миқдорини ўзгариши чизмаси.

чиқиши 10%га камайганда фойдали компонентнинг ўртача таркиби 7%га катталашади, материални чиқиши 20%га пасайганда ўртача таркиб 13 %га, материални чиқиши 70%да ўртача таркиб 55% катталашади, намуна материали 60% чиққанда фойдали компонентнинг таркиби 30%гача ўсади;

кичик қалинликлардаги кварц томирчаларини (1 дан 10 см.гача) метасоматик ўзгарган сланецлар (17 та намуна) билан қатламлашиларида тақдим этилган маъдан интервалларида материалларни чиқиши 70%га камийишлари ўртача таркибнинг озгина катталашига олиб келади (5%гача), бироқ, кейинчалик материални камайишларида ўртача таркиб кескин ўсади -60% материал чиқишида ўртача таркиб 15%гача катталашади.

кварцнинг майда томирчалари (1 см.гача) бўлган, метасоматик ўзгарган сланецлар билан тақдим этилган интервалларда ҳам материалларни чиқишларида олтинни ўрта таркибларини катталашини кузатилади (4та намуна). Материални чиқиши 90% бўлганда таркиб 6%га ўсади, материални чиқиши 80% да таркиб 12%га ошади, бироқ материални кейинги чиқишининг камайишлари, ўртача таркибни камайишига олиб келади - материални 70% чиқишида ўртача таркиб тушиб кетади ва 98%ни ташкил этади. 98%, 60% чиқишда ўртача таркиб 80% гача камаяди, бу эса сайланма йўқотишларнинг жадалликларини тасдиқлайди (Расм. 2);


асосан метасоматик ўзгарган сланецлар, алевралитлар ва кумтошлар билан тақдим этилган ораликларда керннинг танланма йўқотилишлари фойдали компонентнинг йўқотилишларига олиб келади. Намуна материалларини 90% чиқишида ўртача таркиб 5%га тушиб кетади, 80%чиқишда ўртача таркиб 13%га камаяди, 70% намуна маатриалларида фойдали компонентнинг ўртача таркиби 18%га пасаяди, 60%да фойдали компнентнинг йўқотилиши 20%дан ортиқни ташкил этади.

Хулоса чиқариш мумкин: Пистали конида керн шаклланиши нуқтаи-назаридан геологик шароитлар ноқулай. Керн намуналарнинг ишончлилигига ва уларни натижаларининг аниқлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар - маъдан кесишмаларида тоғ жинсларининг физик-механик ўзгарувчанлигидаги фарқлари, маъданда фойдали компонентнинг ўзгаришларини юқори даражалари, маъдан таналарини морфологияси ҳисобланади. Турли минерал ҳосилалар билан тўлдирилган қатламчалар, дарзликлар ҳисобига каттикликлари турли участкаларда ўзгарувчан бўлган жинсларда, фойдали компонентларни нотекис тақсимланишлари кернни танланган едирилишида бўлиб ўтади, бунда уни чиқишларининг фоизларини пасайишлари анча заиф участкаларини бузилишлари билан боғлиқ, бу эса, ўзига хос равишда, кернни шаклланишига таъсир этади ва олинган маълумотларнинг ишончлилигини бузади.

Широтное конида экспериментал тадқиқотлар натижалари. Широтное конида экспериментал едирилиш учун ҳаммаси бўлиб 64та намуна олинди.

Танланма йўқотишларнинг ўртача таркибга таъсирини ўргани бўйича экспериментлар натижалари қуйидагиларни кўрсатди:

Широтное конида намуналарни умумий микдорларидан (64 та)



139 (1,5)-намуна номлари ва ўртача миқдори (қавс ичида)

— - намунадаги олтин миқдорларининг ўзгаришини намуна оғирлигидан келиб чиқиб ўзгаришини характерловчи чизик

Расм. 2. Пистали кони материали (керна)нинг чиқиши камайиши билан олтин миқдорини ўзгариши чизмаси.

материалларни чиқишларини камайишларида олтиннинг ўртача таркибини катталашини 6 та намунада (9%) кузатилади, бунда намуналар оралиқлари қалинликлари 1-2 м. бўлган линзасимон кварц томирлари билан тақдим этилади. Намуна материаллари 90% гача камайишларида ўртача таркиб 5%гача ўсади, материалларни 80% чиқишида ўртача таркиб 8% га, 70%да ўртача таркиб 12 %га катталашади (Расм. 3);

Бошқа ҳолатларда (экспериментал намуналарни 90%дан ортиғи) намуна материалларнинг чиқишини камайишлари фойдали компонентларни йўқотилишларига олиб келади. Асосан бу, кварцлашиш, хлоритлашиш ва серицитлашиш билан бирга кечувчи шиддатли метасоматик ўзгаришларга учраган кремнийли сланецлардир. Материал (керна) чиқишининг 90% камийишида фойдали қазилманинг танланма йўқотилиши 4%ни ташкил этади, 80% чиқишларда ўртача таркиб 9%га камаяди, намуна материалаини 70% чиқишида таркиб 15%га камаяди ва 60% материалани чиқишида 20% пасаяди.


Диссертациянинг **тўртинчи "Эксплуатация қилинаётган конларда бурғилаш-портлатиш қудуқларини намуналар натижаларининг ҳаққонийлигини аниқлаш"** деб номланган бобида ўйиб олишга тайёрланган эксплуатацион блокда бурғилаш-портлатиш қудуқларини намуналар маълумотларни таққослаш келтирилади.

Карьернинг геологик хизмати эксплуатацион қидириш ва намуналар, таҳлиллар натижаларига ишлов бериш ва режалаштириш, қазиб олиш сифатини ва геологик ҳужжатлаштиришни назоратлаш гуруҳини ўз ичига олади.

Эксплуатацион қидириб-чамалашда намуналарни олиш СБШ-250МН дастгоҳида конструктив тайёрланган намуна олгич ёрдамида ҳар бир 5 м.дан амалга оширилади. Намунанинг лозим бўлган оғирлиги 15 дан 20 кг.гача бўлиши керак. Забойдан шламни чиқариб ташлаш сиқилган ҳаво билан амалга оширилади. Лабораторияда намунани йирикликгача (-1мм) майдалаш ўтказилади ва кварталлаштириш усулида массаси 0,5 кг. бўлган иккита тортма танлаб олинади. Улурдан ҳар бири олтин таркибини аниқлаш учун гамма-активацион лабораторияда таҳлил қилинади. Иккита аниқлашлар ўрталаштирилади ва олинган натижа асосан, ушбу намунада олтинни таркиби сифатида қўлланилади. Уларнинг негизида коннинг очилган қисмларининг жамланма горизонтлари бўйлаб геологик планлар ва жамланма геологик хариталари тузилади.

Бурғилаш-портлатиш қудуқларининг намуналар натижаларини ҳаққонийлигини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар учта этапда, карьерни турли горизонтлари ва бортларида ўтказилди.

Экспериментнинг ҳар бир этапида 30 тадан 33 тагача назорат-тасдиқловчи қудуқлар бурғиланган участкалар танланди. Яъни СБШ-250МН дастгоҳида бурғиланган қудуқ ёнида (0,5м. масофада) ROC-L6 туридаги модификацияланган дастгоҳда қудуқ бурғиланди. Ушбу дастгоҳ бурғиланган оралиқларда барча материалларни, бошланғич материални яхши аралаштирилувчи махсус аэроциклонга тўпланишни таъминлайди. Бурғилаш-портлатиш қудуқлари 15м. бўйича чуқурликларда бурғиланди, назорат-



Расм. 3. Широтное кони материали (кери)нинг чиқиши камайиши билан олтин миқдорини ўзгариши чизмаси.

тасдиқловчилар 10 м. бўйича, яъни биринчи 10м.даги ўйиқликлар таққосланди (танлаб олинган участкалар).

Биринчи этап. Танлаб олинган участка майдонида БПҚ нинг 31 та лойиҳа кудуқлари жойлашган эди.

Биринчи этапнинг эксперементал тадқиқотлари, маълумотларни умумлаштириш ва қиёсий таҳлиллари оддий ва назорат намуналаш маълумотлари бўйича қурилган балансдаги маъданларни (1,0 ш/б борти) асосий параметрлари бўйича қуйидаги тафовутларни намоён этди:

- майдонлар бўйича фарқ - 42,25 кв.м. ёки - 4,2% ташкил этди;
- металл бўйича фарқ - 5,151 кг ёки - 9,3%;
- олтиннинг ўртача таркиблари бўйича фарқ - 0,2 ш/бёки - 9,1%.

Иккинчи этап. Бурғилаш ишларини лойиҳаси бўйичатанланган участкада 30 та БПҚкудуқлариСБШ-250М дастгоҳида бурғиланди, бурғилаш тўри 6х6 метрларда. Намуналашинтервали, кудуқ оғзининг баландлик белгисига боғлиқ ҳолда, 4,5-5, метрларни ташкил этди. Назорат кудуқлари асосий бурғилаш-портлатиш кудуқларидан 1м. масофада, ROC-L6 дастгоҳидан фойдаланиб бурғиланди. Назорат кудуғининг ҳар бир метридан битта намуна олинади. Ҳаммаси бўлиб 322 назорат намунасини олиш билан, 32 та кудуқлар бурғиланди.

Қиёсий таҳлиллар натижасида турли навлардаги маъданларда маъдан ҳажми ва металлни чиқишида тафовутлар ўрнатилди, бу қуйидагиларни ташкил этди:

1,0 - 1,99 ш/б нав бўйича: маъдан (+)10296 тонна (+50%); металл (+)13,38 кг (+46%);

2,0 ва ундан ортиқ ш/б нав бўйича: маъдан (-)12168 тонна (-216%); металл (-) 62,62 кг (-359,6%);

ҳаммаси бўлиб 1,0 ш/б бортида (баланс): маъдан (-) 1872 тонна (-7,1%), металл (-) 49,23кг (-106%);

умуман блок бўйича металгақўра фарқлар (-) 47,73кг (-100%) ташкил этди.

Учинчи этап. Танлаб олинган участкада30 та бурғилаш-портлатиш ва 33 та назоратлаш-тасдиқлаш кудуқлари урғиланди (СБШ-250 и ROC-L6 дастгоҳларида). Назоратлаш кудуқлари бўйича ҳаммаси бўлиб 324 та назорат намуна олинди.

Учинчи эксперементал этапни тадқиқотлардаги оддий ва назорат намуналашларнинг натижаларини қиёсий таҳлиллари, уларни натижалари-даги муҳим тафовутларни кўрсатди:

-1,0 - 1,99 ш/б нав бўйича: маъдан +1630,7 тонна (+25%); металл +2,446 кг (+25%);

-2,0 ва ундан ортиқ ш/б нав бўйича: маъдан -1630,7 тонна (- 9,5%); металл -27,559 кг (- 51%);

хаммаси бўлиб 1,0 ш/б бортида (балансдаги): маъдан – бир хил миқдорда, металл –25,113 кг (-40%);

- умуман блок бўйича металга кўра фарқлар - 25,44 кг (-40,2%)ни ташкил этди.

Танлаб олинган экспериментал участкаларда ўтказилган экспериментал тадқиқотларнинг урта этаплари натижалари бўйича қуйидагича хулосага келиш мумкин:

экспериментал тадқиқотларни барча урта этапларида, оддий ва назорат намуналарнинг ўртасида тафовутлар намоен этилди, бу оддий намуналарни паст бўлган ишончилигини тасдиқлайди;

рудникда амал қилаётган усулда олинадиган намуналарнинг паст ишончилиги ҳам тизимий ва тасодифий тавсифдаги оғишиларга олиб келиши мумкин;

назоратга хос намуналарнинг натижаларининг аниқлиги қуйидагилар ҳисобига таъминланади:

оддийга таққослаганда (хаммаси бўлиб 180 та намуна) намуналарни муҳим даражада катта миқдорди (хаммаси бўлиб 823 та назорат намунаси);

қудуқнинг аниқ бир интервалига тўғри боғлаштириш билан, бурғилашнинг бутун материаллари ҳажмига ишлов бериш ва қисқартитриш;

шлам намуналарни олиш ва ишлов беришнинг умумий қабул қилинган услубиятини қўллаш, шунингдек қудуқларни модификация қилинган, замонавий дастгоҳларда бурғилаш.

РОС туридаги модификация қилинган дастгоҳларда қудуқлар бурғилашда қўлланиладиган намуна олиш принциплари ва намуна тайёрлашни тадбиқ этиш билан, рудникда қўлланилаётган намуналарнинг усулини ўзгартириш тавсия қилинади.

Диссертациянинг бешинчи "Йирик олтин мавжуд бўлган олтин таркибли маъданга ишлов беришда намуналарнинг тайёрлаш схемасини таҳлил натижаларини ҳақиқийлигига таъсири даражасини аниқлаш" деб номланган бобда қуйидагилар баён этилади.

Геологик намуналарга ишлов бериш жуда муҳим ва маъсулиятли вазифалардан бўлиб, у қуйидаги - таҳил учун зарур бўлган тортишмаларгача, бошланғич намуналарни майдалаш, кунулаштириш, ғалвирлаш, аралаштириш ва қисқартитриш оперциялари йиғиндисини ўзида мужассам этади. Бунинг учун геологлар қидириб-чамаланаётган кон маъданлари хусусиятларига, намуна турларига (жўякли, кернга хос, шламли, геокимёвий, технологик) ва бошқаларга боғлиқ ҳолда, геологик намунага ишлов бериш схемасини ишлаб чиқади.

Геологик намуналарни тайёрлашнинг оптимал схемасини танлаш учун ишлов беришнинг умумий қабул қилинган услубиятини ва металлни дастлабки ажратиш олиш схемасини қиёсий синовлари ўтказилди.

Ишлов бериш анъанавий усулда амалга оширилган, таркиблари маълум бўлган геологларни намуналаш натижаларга кўра, ажратилган тоғ иншоотларининг интерваллари танлаб олинди.

Танланган интервалларда назорат мақсадидаги намуналаш, металлни дастлабки ажратиш олиш схемаси бўйича ишлов бериш бажарилди ва олтинни намунадаги ўртача таркиби аниқланди.

Дастлаб, анъанавий схемада (Р.Чечеттинг) тахлил этиш учун ҳар бир назорат намуналардан тортишмалар танлаб олинди ва пробир тахлил учун берилди. Намунанинг қолдиқларига металлни дастлабки ажратиш олиш схемаси бўйича ишлов берилди ва тахлил этилди. Жадвалда (Расм. 4.) иккала схема бўйича ишлов берилган намунадаги олтинни ўртача таркибларини таққослаш келтирилади. Шу нарса ўрнатилдики, бортга хос таркибларга (0,6 ш.б.) яқин бўлган ўртача таркибли намуналар, анъанавий схемда ишлов беришда, намуналанган интервал баланسدан ташқари (П-20, П-21, П-23, П-24 сонли намуналар) бўлади, яъни 0,6 ш.б.дан паст бўлади, агар ушбу намуналарга таклиф қилинган схемада ишлов берилса, улар бортга хос бўлгандан ўзига хос равишда 0,8; 0,6; 0,6; 0,7 юқори бўлади.


Худди шундай, чизма бўйича иккала турли схемалар бўйича ишлаб берилган намуналарнинг ўрта таркиблари қийматида муҳим бўлган тафовутлар кузатилади. Оғишишлар ҳам катталашиб томонга ва ҳам камайиб томонга кузатилади, бу эса маъданда фойдали компонентларни ўта нотекис тарқалишларини тасдиқлайди, бу эса ўз навбатида маъданда майда, юқа ва йирик олтинни бўлиши билан боғлиқ. Одатда геология-қидирув корхоналарининг лабораторияларида намуналашга ишлов бериш, қўлланишлари, намуна материаларини ҳам маъданли ва ҳам маъдансиз компонентларнинг бир текисда майдалаш тушуниладиган, $Q=kd^2$ формула бўйича амалга оширилади ва фойдали қазилманинг кўпгина конлари учун бу шарт-шароитларга риоя қилинади.

Бироқ конда 0,1 мм.дан ортиқ олтин қанча кўп бўлса уларни майдалашда муаммо юзага келади, шунингдек, қисқартирилишда уларни бир текисда тарқалишларида, намунада олтинни ўртача таркибини ҳисоблашнинг аниқлигига таъсир кўрсатувчи “саралаш самараси” намоён бўлади.

Майда, юқа ва йирик олтин бўлган конлар қазиб олишда, металлни дастлабки қазиб олиш схемасини қўллаш намунани бутун массасига ишлов беришга, ундан эркин олтинни гравитацион концентратга ажратиш ҳисобига юқоридаги хатоликларни бартараф этишга имкон беради, буларни барчаси пробир тахлилда аниқланади. Шу билан бирга, намунада бўлган барча эркин олтин (майда, юқа ва йирикроқ) намунани ўртача таркибини ҳисоблашда инобатга олинади, унинг ноҳуш таъсири минимумлаштирилади.

Турли схемаларда ишлов берилган намуналардаги олтинни ўртача таркибларини таққослаш

Экспериментал намуналарни рақами	Анъанавий схемада ишлов берилган намуналарда олтинни ўртача таркиби, ш/б.	Дастлабки ажратиб олиш схемаси бўйичада ишлов берилган намуналарда олтинни ўртача таркиби, ш/б.
П-1	2	2
П-2	0,2	0,3
П-3	9,2	0,8
П-4	0,2	2,1
П-5	0,2	8,4
П-6	5,5	2,6
П-7	0,2	2,3
П-12	1,5	1,2
П-13	1,6	2,4
П-14	1,8	1,2
П-15	0,8	1,3
П-16	1,2	0,6
П-17	0,2	0,3
П-18	0,8	0,5
П-19	1,2	1,7
П-20	0,3	0,8
П-21	0,2	0,6
П-22	0,9	0,6
П-23	0,2	0,6
П-24	0,5	0,7
П-25	0,4	1,2
П-26	2,4	2,5
П-27	2,9	3,3
П-28	1,4	1,4
П-29	1,4	3,1



Расм. 4. Турли схемаларда ишлов берилган намуналардаги олтинни ўртача таркибларини таққослаш.

ХУЛОСА

1. Кўриб чиқилаётган олтин маъданли конлар намуналарини ишончилиги ва аниқчилигини аниқловчи белгилари бўйича тизимлаштирилди. Бунда қуйидагилар катта аҳамият касб этади: маъдан таналарини морфологияси, маъдан қамровчи жинсларнинг таркиблари, маъдан қамровчи жинсларни маъданолди ўзгаришларининг турлари, маъданни текстурава структураси, геологик-қидирув параметрларини ўзгарувчанликлари, шунингдек, маъдан таналарида аниқ геологик чегараларни бор ёки йўқлиги. Тизимлаш намуналарни олиш, ишлов бериш ва таҳлил қилишнинг мақбул усулларини танлашда тавсия этилади.

2. Керни танланган едирилишини ўрганиш бўйича экспериментал маълумотларга кўра, турли жинсларда олтинни ўзининг тутишини тавсифиди бир қатор хусусиятлар намоён этилди. Ўз навбатида ҳам фойдали компонент таркибини пасайишига ва ҳам уларни оқлаб бўлмайдиган юқорилашишига олиб келадиган керн чиқишини пасайишида, фойдали компонентнинг танланган йўқотишининг паст, мўътадил ва юқори жадалликлари ўрнатилди. Намуналарнинг натижаларининг аниқчилигини ошириш учун паст чиқишлардаги керн намуналари интерваллари учун ишлаб чиқилган тузатиш коэффициентлари захираларни ҳисоблашда қўлланилиши мумкин.

3. Фойдаланилаётган олтин маъданли конларда бажарилган экспериментал тадқиқотлар билан, заводга етказиб бериладиган маъданни сифатида акс этувчи турли навларга кирадиган маъдан чегаралари орасидаги тафовутлар ўрнатилди. Ўйиқликларни намуналарнинг аниқчилигини ошириш учун тавсия қилинган намуна олиш услубиятини тадбиқ этиш таклиф қилинади.

4. Олтин таркибининг ҳақиқийлигини аниқловчи, намуналарни ишлов бериш схемасининг таъсири экспериментал исботланди. Йирик олтин бўлган конларда металлни дастлабки ажратиш олиш схемасини қўллаш тавсия қилинади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.27.06.2017.GM/T.41.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ
МЕСТОРОЖДЕНИЙ, УЗБЕКСКОМ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
И ПРОЕКТНОМ ИНСТИТУТЕ НЕФТИ И ГАЗА, ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ, ФИЛИАЛЕ
РОССИЙСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА НЕФТИ И
ГАЗА ИМЕНИ И.М. ГУБКИНА**

ГП «ИНСТИТУТ МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ»

РУСТАМОВ АКМАЛ АСРОРОВИЧ

**ПРЕДСТАВИТЕЛЬНОСТЬ И ДОСТОВЕРНОСТЬ ОПРОБОВАНИЯ
НА ПРИМЕРЕ ЗОЛОТОРУДНЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ УЗБЕКИСТАНА**

**04.00.02 – Геология, поиски и разведка месторождений твердых полезных
ископаемых. Металлогения и геохимия**

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ГЕОЛОГО-
МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Институте минеральных ресурсов.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.ing.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Зималина Валентина Яковлевна**
доктор геолого-минералогических наук

Официальные оппоненты: **Конеев Рустам Исмаилович**
доктор геолого-минералогических наук

Антонов Александр Евгеньевич
доктор геолого-минералогических наук

Ведущая организация: **ГП «Институт Геологии и Геофизики» имени Х.Абдуллаева**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 г. в ____ часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета DSc.27.06.2017.GM / T.41.01 при институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений, Узбекском научно-исследовательском и проектном институте нефти и газа, Ташкентском государственном техническом университете, филиале Российского Государственного университета нефти и газа им.И.М. Губкина в г.Ташкенте по адресу: 100059, г. Ташкент, ул. Ш.Руставели, 114 Тел: (99871) 253-09-78, факс: (+99871) 250-92-15 e-mail: igirnigm@ing.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100059, г. Ташкент, ул. Ш.Руставели, 114 Тел: (99871) 253-09-78, факс: (+99871) 250-92-15 e-mail: igirnigm@ing.uz.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 г.
(реестр протокола рассылки № ____ от «__» _____ 2019 г.)

Ю.И. Иргашев

Председатель разового научного совета по присуждению
ученых степеней, д.г.-м.н., профессор

М.Г. Юлдашева

Ученый секретарь разового научного совета по присуждению
ученых степеней, к.г.-м.н.

Х.А. Акбаров

Председатель разового научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
наук, д.г.-м.н., академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность исследований. В мировой практике вопросы повышения эффективности поисков и разведки новых месторождений драгоценных металлов и достоверности оценки их запасов имеют важное значение. Геологическое опробование является одним из главных видов работ во всем геологоразведочном процессе. При разведке золоторудных месторождений оно приобретает наибольшую актуальность в связи с неравномерным распределением золота в руде, низкими его содержаниями, разным размером его частиц, а также высокой ковкостью золота, влияющей на измельчаемость при обработке проб.

В настоящее время в мире проводятся научно-исследовательские работы, посвященные изучению теоретических основ опробования, их разновидностям, факторам, определяющим выбор способа отбора и их параметрам. Также большое внимание уделяется совершенствованию методики отбора геологических проб из горных выработок и буровых скважин, методическим приемам выбора рациональных способов отбора и оптимальных параметров геологических проб. Разрабатываются требования к различным видам опробования, совершенствуются современные технические средства отбора проб.

В Узбекистане достигнуты определенные успехи в расширении минерально-сырьевой базы. В результате реализации проведенных исследований дана оценка представительности опробования золоторудных месторождений и разработаны практические рекомендации для повышения достоверности подсчитываемых запасов исследуемых объектов. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан Правительством определены приоритетные задачи «...обеспечению комплексного и эффективного использования природных и минерально-сырьевых ресурсов отдельных регионов...»¹ В связи с этим проведение научных исследований, направленных на обеспечение представительности и достоверности опробования золоторудных месторождений Узбекистана имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и постановлением Президента Республики Узбекистан от 1 марта 2018 г. № ПП 3578 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VIII «Науки о земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

